O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

# MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 17-may, chorshanba, 20 (350)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов сайловчилар билан мулоқотда.

*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат*

## НАМАНГАНДА МАЪНАВИЯТ КУНЛАРИ

**Наманган шаҳрида ЎзМТДП Марказий кенгашининг кўчма йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлис Наманган Давлат университетининг «Маънавият» залида ўтказилди.**

Марказий кенгаш раиси Х.Дўстмуҳамедов кириш сўзидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 апрелдаги «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги 317-сонли қарори асосида Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари партия кенгашлари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маруза қилди. Маърузада ушбу қарор асосида олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди ва вазифалар белгилаб берилди.

*ЎзМТДПнинг кўчма йиғилишлари*

ЎзМТДП Марказий кенгаши раисининг ўринбосари Х.Мирзажонова «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг чора-тадбирлари тўғрисида» ва ундан сўнг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун асосида маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтадиган навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг иштироки ҳақида сўзлади.

Партиянинг Наманган вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида кенгаш раиси П.Шариповнинг маърузаси тингланди.

Шундан сўнг Фарғона ва Андижон вилоят кенгашларида йўлга қўйилган айрим камчиликлар ва сусткашликларни тузатишга қаратилган ишлар амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборотлар тингланди.

Йиғилишдан сўнг партиянинг Наманган вилоят кенгаши идорасида фаоллар билан давра суҳбати ўтказилди. Йиғилиш иштирокчилари «Маҳалла — Ватан ичра Ватан» тадбирида иштирок этдилар.

Партиянинг вилоят кенгаши томонидан 59-мактабда ташкил этилган «Ҳуқуқий ресурс маркази» фаолияти билан танишув, «Мактаб-маҳалла-оила» ҳамкорлигида «Устоз-шогирд» йўналиши бўйича тайёрланган миллий ҳунармандчилик кўргазмаси ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умид Исмоилов, ЎзМТДП Марказий кенгашининг фаол аъзоларидан Ортиқали Қозоқов, Лола Саидовалар сўзга чиқишди.

Наманган шаҳридаги «Қизил кўприк» маҳалла фуқаролар йиғинида йиғилган партия фаоллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари амалга ошираётган ишлар билан яқиндан танишишди.

Шу куни Наманган шаҳрида «Китоб байрами» ўтказилди. Унда партияга аъзо бўлган зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар иштирок этдилар.

**Насиба ОЧИЛОВА**

## ИЛМДАН ЭҲТИРОМ ТОПГАН ИНСОН

**Зариббой Дўсимов топонимика йўналиши бўйича республикамизда биринчи, ҳозиргача ягона фан докторидир.**

*Сафдошларимиз*

Унинг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида тарихий жой номларини танлашдаги хизматлари аждодларга эҳтиромнинг юксак намунаси десак, муболаға бўлмайди. Республикамизда кўппартиявийлик асосида демократияни ривожлантиришда ҳам Зариббой Дўсимовнинг хизматлари беқиёс. У «Миллий тикланиш» демократик партиясини ташкил қилишда жонбозлик кўрсатиб, 1995-2005 йилларидаги икки сайлов даврида ҳам партиянинг Хоразм вилоят кенгашини бошқарди. Бугунги кунда ҳам у киши партиямизнинг фаоли, вилоят кенгаши аъзосидир.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтидаги таҳсил жараёнида Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Саидзода Усмонов, Мазлума Асқарова сингари ўнлаб етук олимлардан сабоқ олиш ёш мутахассиснинг бугунги камоли пойдевори бўлди. Олий таҳсилдан сўнг ўз қишлоғи — Амударё туманидаги Қиличбойга қайтган Зариббой Дўсимовни ЎзРФА Тил ва адабиёт институтига ишга таклиф қилишди. Ёш олимнинг илк илмий изланишлари нуфузли илмий журнал — «Ўзбек тили ва адабиёти»да чоп қилина бошланди. Тинимсиз меҳнат, изланишлар, юксак илмий салоҳият натижасида Зариббой Дўсимов 1970 йилда шимолий Хоразм топонимлари тадқиқи юзасидан номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилганди. 24 ёшда номзодлик илмий даражасига эришиш ўша давр учун камёб ҳодиса эди. Ўша вақтда Хоразм Давлат университети ректори бўлиб ишлаётган профессор Отаназар Мадраҳимов уни ишга таклиф қилди. Домланинг шундан кейинги фаолияти ҳозирги Урганч Давлат университети билан боғлиқ. Зариббой Дўсимов бу даргоҳда ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, кафедра мудири, декан ўринбосари, илмий ишлар проректори, филология ва тарих факултети декани каби масъул лавозимларда ишлади. У Хоразм топонимларининг лисоний-тарихий тадқиқи юзасидан докторлик диссертациясини 1989 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди. 2001 йилдан бери ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқариб келмоқда. З.Дўсимов томонидан эълон қилинган монографиялар, хусусан, «Хоразм топонимлари», «Жой номларининг сири», «Ер тили», «Жой номларининг изоҳли луғати» ва бошқалар илм аҳли ва жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Домланинг ҳар бир мақоласи бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб ва муаммоли масалаларига бағишланган.

У киши билан бир нафас ҳамсуҳбат бўлган одам унинг суҳбатини яна соғинади, илмидан баҳраманд бўлишга интилганлар беҳисоб. Буларнинг барчаси устозда олиму илму амал мужассамлигидандир.

Устознинг оиласи, яқинлари, шогирдлари, дўстлари, барча эзгу ниятли инсонлар бахтига соғ-саломат, ҳамиша яхши фазилатлари билан омон бўлишларини чин дилдан истаб қоламиз.

**Баҳодир БОБОЖОНОВ,**
**ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси**

**КИМ НИМА ДЕДИ?**

Меҳр ҳаммага етади.

Шарифа САЛИМОВА

## ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Қарши туман кенгаши ташаббуси билан 5 май жума куни Қарши Политехника коллежида «Умид ниҳоллари- 2006» спорт ўйинлари иштирокчилари билан шоир Салим Ашурнинг учрашув кечаси ўтказилди.

* * *

**ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Қарши туман кенгаши ташаббускорлигида Қарши қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 6 май шанба куни «Спорт ҳам сиёсат» мавзуида йиғилиш ўтказилди.**

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилояти Жондор туман кенгаши ташаббуси билан 6 май куни «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғинида «Мустақиллик ва конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

**6 майда ЎзМТДП Хоразм вилояти Боғот туман кенгашида «Хотира азиз, қадрлаш буюкдир» мавзуида тадбир ўтказилди.**

* * *

ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши ташаббускорлигида «Кўтарма» маҳалла фуқаролар йиғинида 6 май куни «Ўтганларни қадрлаш савобли амаллардандир» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

**7 май якшанба куни ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар кенгашида «Хотира ва қадрлаш куни»га бағишлаб тадбир ўтказилди.**

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Миробод туман кенгаши ташаббуси билан 7 майда Тошкент Автомобил йўллар институтида ўзбек миллий эстрадаси асосчиси Ботир Зокиров таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан тадбир ўтказилди.

* * *

**Партиянинг Сурхондарё вилояти Олтинсой туман кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббускорлиги билан 7 май куни «Сурхоннинг жажжи гўзали» мавзуида тадбир ўтказилди.**

* * *

7 майда партиянинг Навоий вилояти Хатирчи туман кенгаши ташаббуси билан Пўлкан шоир номли жамоа хўжалигида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

* * *

**Партиянинг Қашқадарё вилояти Косон туман кенгаши ташаббуси билан «Алачабоб» маҳалла фуқаролар йиғинида 7 май куни «Фуқаролар йиғини раисларини сайлашда партия фаолларининг ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Миробод туман кенгаши ташаббускорлигида 8 май душанба куни тумандаги «Сахий инсон» ресторанида «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан йиғилиш ўтказилди.

* * *

**Партиянинг Фарғона вилояти Қўқон туман кенгашида «Мустақиллик олий неъматдир» мавзуида йиғилиш ўтказилди.**

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Самарқанд шаҳридаги «Обираҳмат» маҳалласи фаоллари билан ҳамкорликда маҳаллада яшовчи 4 нафар Болалар уйи тарбияланувчиларининг суннат тўйларини ўтказиб берди.

* * *

**Партиянинг Сирдарё вилоят Ховос туман кенгаши ташаббускорлигида 10 май чоршанба куни «Ғиёҳвандлик — ёвуз иллат» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

**ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати**

# ТЕМИРЧИ ҲАМ ТАДБИРКОР

*Бардавом анъаналар*

Дук—дук—дук... Бобо сандон темирчининг кўксидаги юракдай урмоқда.

— Ё ҳазрати Довуд, —дея болға уришни бошлаган уста темирни ҳар куйга солиши мумкин.

Рўзғор деганлари бамисли ғор, унга ҳамма нарса керак. Одамзодда тафаккур пайдо бўлибдики, меҳнат қуролларидан фойдаланиш, уларни ясаш, ихчам ва қулайлигини орттириб шакл бериш тараққий этиб келган. Бу тараққийлик омилида устоз шогирдлик анъанаси мустаҳкам ўрин тутади.

— Бобом отамга, отам менга ўргатиб, мана, мен ҳам болаларимга, невараларимга ўргатяпман. Нурбегим ўзи пичоқларни чархлаяпти. Энг катта ўғлим Турсунбой тунукачи бўлди. Темирчидан чиққан тармоқ бўлиб ўзи ишлаяпти. Уй деганга уяверасан-уяверасан, ҳамма нарса керак. Тунукачи ясаган нарсаларам зарур. Бизлар кетмон, бел, болта, қозиқ, оташкурак ва ҳар хил нарсалар ясаймиз. Невараларимдан каттасининг ҳам қўли ишга келиб қолди, худога шукр.

У ёшроқ бўлгани учун човли, бигиз каби енгилроқ буюмларни ясаяпти. Ҳунар —ҳунардан ризқинг унар, деб Худо хоҳласа, уч неварамга тенг жонлиқ сўйиб, қон чиқариб, фотиҳа олдираман. Кейин мустақил ишлайверади, отабобосининг касбини тутса, хор бўлмас...

Аммо невараларнинг қизиқиши, қобилияти, соғлиғига ҳам қараш керак. Ишқилиб, «Дил ба ёру даст ба кор», деб ёмон иш қилмаса, ёмон йўлга юрмаса, ёмон сўз сўйламаса, эл кунига яраб яшаса, менинг меҳнатларимнинг эвази, меваси ҳалоллиги. Мен шундан рози...

Энг қаттиқ металлардан бири — темир. Одамзот темирни ҳам измига бўсундириб, фойдаланади. Темир тайёр иш қуроли ҳолатига келгунча кўп меҳнат, тоқату бардош талаб қилинади. Темирчиликка энди қизиқа бошлаган кезларимда отам раҳматли менга: «Бардош, чидаминг бўлса ўрганасан бу ҳунарни. Йигит киши тоқатли бўлмаса, тоқ бўлади, деган гап бор. Тоқатинг бўлса тўқсон ҳунарни ўргансанг бўлади,тоқатли бўлишга ўрган», — деган. Ўзига шогирдликка олиш учун аввал кўп косибларга олти ой-олти ойдан шогирдликка берди. Кулол, пўстиндўз, маҳси-этикдўз, ҳунармандуста...

Ҳей, ҳаммасининг азобини татиб, чидаб бўлганимдан кейин ёнига олган отам. Биринчи иш — сотишни ўрганиш бўлган.

*Дўстим, ҳар ҳунарнинг ўз амали бор,*
*Тахтага арра-ю, темирга сандон.*

*Гёте.«Фауст»*



Бир уюм матоҳни орқалатиб қўшни вилоятлардаги бозорларда сотиб келишни буюриб, автобусга чиқариб юборган. Онамнинг шамоллаб қолади, қийналади, деб куйинишларига отам:

— Қўявер, мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас, деганлар. Одам мусофир бўлса кўп нарсанинг қадрини билади, — деган бепарво.

Онам раҳматли дуо қилақила, кўзларининг ёшини рўмолининг чеккасига артиб, қўл силкиб қолган.

Автобусда бориб, нарсаларни сотолмай, кечда ётоқ жой тополмай, не-не азобларни кўрмадим.

Шунда билдим, нарса тузатишдан сотиш қийин эканлигини. Ўшанда Раззоқ исмли чол мусофирлигимни билиб бошпана берган, бир ҳафтада сотолмаганларимни қурби етганча сотиб олиб, кейин уйимга жўнатган. Озиб, қийинчиликларни кўриб қайтаётиб, отам буюмларни арзон сотганимга дакки бериб, урушса керак, деб ўйлаб роса кўрққандим. Умуман акси бўлиб чиқди. Намозини ўқиб бўлиб, келиб сўрига ўтиргач, гап бошлади:

— Хўш, меҳмон, қаерларда бўлдингиз, нималарни кўрдингиз, не янгиликлар, савдогарлардан билмасак, бизлар уйдаги одам, — деди.

— Болам озиб-тўзиб қопти, бунча қийнаб не керак эди? — деб онамнинг айтган гапларига кўзини қисиб, кулиб қўйди.

Отам саргузаштларимни жим эшитгач, олиб келган пулимга парвоям қилмаган, сабзи тўғраб жим ўтирган онамга имо қилиб, онангга берақол, деб чопонини кийиб, устахонага ўтиб кетди. Шунда жуда ҳайрон қолганман.

Отамни менга пул топтириш, сотиб фойда кўриш эмас, одам бўлишим, эл кўришим, оқ-қоранинг фарқига боришим кўпроқ қизиқтирган экан.

Бу синов бутун ҳаётимга татигулик устознинг шогирдга сабоғи, отанинг ўғлига таълими бўлди.

Темирчилик деган ҳалол касбни ўрганиб, бола-чақамга ҳам ўргатиб яшаш, бировга кунимиз қолмай умргузаронлик қилиш насиб бўлганига шукр. Шунинг ўзи улкан бахт, менимча.

**Ўлмасбек ХЎЖАЕВ,**
**«Миллий тикланиш» махсус мухбири**

## УСТОЗ — ОТАНГДЕК УЛУҒ

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг саъй-ҳаракатлари билан жойларда кундан-кун устоз-шогирдлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда.**

Иккинчи бетга қаранг.

## ТАШАККУР

**ЎзМТДП Марказий кенгаши ва «Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти партиянинг Андижон вилояти кенгаши раиси, вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилмурод Раҳматуллаев ва у бошлиқ тизимдаги маорифчилар жамоаларига «Миллий тикланиш» газетасига обунани ташкил этишда алоҳида фаоллик кўрсатганликлари учун миннатдорчилик изҳор этади.**

**Иккинчи ярим йилликда ҳам газетамизга обуна уюштиришда ёрдам берадилар, деган умиддамиз.**

**Андижонликларнинг эзгу мақсадлари ушалаверсин, вилоятдаги фидойи зиё улашувчиларнинг қувончларига қувонч қўшилаверсин!**

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТАЁТИР. НАШР КЎРСАТКИЧИМИЗ — 158.



# УСТОЗ — ОТАНҒДЕК УЛУҒ

Навоийнинг шогирдларидан бири лутф қилиб: «Сиз буюксиз, сиз жуда олийжанобсиз, сизнинг қаламингиз жудаям кучли, Абдураҳмон Жомий билан тенг ёзасиз», — деган экан. Шунда шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий бобомиз: «Узр, Жомий ҳазратлари бир гул бўлса, мен ўша гулнинг тиконидурман, Ҳазрати Жомий шеърият майдонида фил бўлса, мен бир чўлоқ пашшадурман. Мен учун ҳали бундай буюк зотларнинг қаторига чиқиш насиб этадими, йўқми, Оллоҳнинг ўзи билур», — деб жавоб қилган эканлар.

Мана сизга ҳақиқий устоз ва шогирднинг самимий муносабати.

Демак, устозлик мақоматини эъзозу икромлаш, устозни отадек улуғлаш Мир Алишер Навоийдан бизга бобомерос десак ҳам ҳақли бўлурмиз.

Наманганда азал-азалдан ҳунармандчилик устоз ва шогирдлик тарзида шамойил топиб келаётир. Қувончлиси, қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам устоз-шогирдлик анъаналари бир қадар авжлашдики, бу ҳаётда ўз меваларини берди ва бериб келаётир. Пахтачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик ва айниқса, уруғчилик ривожида устоз ва шогирдларнинг аҳамиятига қиёс йўқ. Деҳқончилик илми шундай бир тилсимотлар шодасидирки, назариёт ва амалиёт мужассамлашган тақдирдагина шу сир-синоат дарвозалари очилур. Бундай кўнгилли имкониятларга эса устозлар тажрибасидан, уларнинг заковатидан фойдаланиб етилажакдир.

Пахтачилик тарихида «шахмат» усулида (квадрат уялаб) экишни ўйлаб топган бободеҳқон Маллабой ота Боқибоев («Ғирвонлик Маллабой ота» китоби шу киши ҳақида ёзилган), пахтадан мисли кўрилмаган юқори ҳосил олган донгдор бригада бошлиғи Шарифбой Ботиров, пахтачилик илми сирларини мукаммал билган аёл Шаҳзода Мирзаҳўжаева, ўз даврида Ўзбекистонда жуда машҳур бўлиб кетган пахтакор Тожихон Асқарова, эллик йил хўжаликни бошқарган Ҳасанбой Сойиббоев, эллик икки йил пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлаган Абдураҳмон Жўраев, урушнинг иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, тўрт мучаси соғлардан ҳам зиёда ва ибратли бир ҳолатда узоқ йиллар туманларни бошқарган Иномжон Набиевларни наманганликлар отадек улуғ устоз деган, кўнгил шоҳсупаларига жойлаб олишган. Бу Наманганнинг биргина туманидаги номлари боқий кишилардир.

Наманганни гуллар шаҳрига айлантиришга астойдил куч-ғайрат сарфлаган, гўзал кўчалар барпо этган, пахтачилик тарихида ғўза-беда усулида алмашлаб экишнинг ташаббускори Асатилло Хўжаевларнинг (ҳаммаларини Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, жойлари жаннат боғлари бўлсин) шогирдлари бугун уларнинг табаррук номларини бот-бот эсга олишади. Бу устозларнинг иккинчи, боқий умридир.

Аҳолини мева-сабзавот, узум билан тўлиқ таъминлашнинг ташаббускорларидан бири бўлган, ҳозирда қарилик гаштини сураётган Маҳкам Камолов ҳам юзлаб, минглаб шогирдларга меҳрибонлик билан устозлик қилган.

Ана шундай улуғлардан бири, тириклигидаёқ ўзига минглаб шогирдлари қалби тўрида боқиёт ҳайкалини ўрнатиб қўйган, қишлоқ хўжалигининг деярли ҳамма жабҳаларида тажрибадор олим, такрори кам ва ноёб иқтидор соҳиби Носиржон ака Отахонов ҳам устозлик мақоматига эришган бахтиёр инсонлардан. Олтмишдан ортиқ китоб ва монографиялар муаллифи, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Носиржон ака Отахонов ҳозирда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Андижон суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институти Наманган бўлимига раҳбарлик қилаётир.

**Октябр Бобоназаров:**

*Жаҳон султонлиги*
*не керак менга,*
*Туққан юртим*
*мени билиб турмаса.*
*Йиғлаганда йиғлабу,*
*кулганда кулиб,*
*Тўю-маъракада*
*келиб турмаса.*

Носиржон ака маънавий бой инсон. Юзлаб ва ҳатто минглаб шогирдлари бор. Минглаб илмий, бадиий китобларни мутолаа қилишга фурсат топа олган. Сабр-қаноатли, зукко раҳбар. Қуръон суралари деярли ёддан билади. Устозларни отасидек мўътабар билгувчи инсон. Шогирдлари юраги тўрида меҳрдан ўзига ҳайкал қўйган меҳрибон устозга айланган. Маънавий бой инсонлар ҳам фоний, ҳам боқий дунёда тирикдай, моддият орқасидан қувиб нафс кошоналарини қурган, ҳидоят ва саховат ўрнига залолатни касб этганлар тирик бўлса ҳам ўликдай гап.

Парвардигори оламдан сўрайманки, улар ҳам ота-оналари каби ота-оналарини эъзозлайдиган, кўпчилик манфаатини азиз билгувчи, юртига, халқига хизмат қилиб толмайдиган, зиёли, саховатли, тўғрисўз, меҳнатдан қочмайдиган фарзандлар бўлиб камол топишсин. Уларнинг бахтига онажониси омон бўлсин! Оллоҳ бизни ва уларни ҳифзу ҳимоятида асрасин.

**Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқдаги деҳқонни мулкдорга айлантириш Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шавкат Мирзиёев бошчилигидаги ҳукумат шу сиёсатни оқилона амалга ошираётир. Бободеҳқону боғбонлар маошларини ўз вақтида оладиган бўлишди, ёқилғи, ўғит, сув, техника таъминоти, қишлоқ инфраструктураси ижобий томонга кескин ўзгарди. Бу ўзининг меваларини берди. 2005 йилда пахта ва ғалла етиштириш режалари ортиғи билан бажарилди. Ҳадемай, буғдойга ўроқ тушади. Хирмонларимиз донга тўлсин. Юртимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин.**

**Носиржон ОТАХОНОВ:**

***Ўзбекистонликларнинг асрий орзу-мақсади бўлган мустақилликни мустаҳкамлаётган, мамлакатни гуллатиб-яшнатган, ўзлигимизни, кимларнинг зурриёти эканлигимизни ҳар он эслатиб турган, жаҳон аҳли эътиборини муқаддас тарихий арконларимиз борлигига қаратган, ҳақ ва адолат йўлида мардлик ва жасорат рамзига айланган, жаҳон сиёсати тизгинини ўз ихтиёрига олмоқчи бўлаётган айрим давлатлар сиёсати Ўзбекистонимиз учун жаҳон андозалари даражасидаги демократия учун ноқобил эканини қайта-қайта таъкидлабгина қолмай, бундай «сиёсий ўйинлар» гирдобига тушиб қолмаслик чораларини кўраётган, нафақат Ватанимизда, балки минтақамизда ва бутун жаҳонда тинчлик-осойишталик учун курашаётган муҳтарам ва мўътабар Президентимиз Ислом Каримов билан фахрланаман.***

*Носиржон аканинг исмини отасининг устози қўйган экан.*

*Еттита набирасининг исмини Носиржон аканинг ўзи қўйган. Қиз набирасига онасининг — Сожирабегим исмини қўйган. «Набирамни кўрсам, онамни кўргандай бўламан», дейди Носиржон ака. Яратганга шукр, фарзандларим ақлини таниб олишди.*

Носиржон аканинг падари бузруквори Отахон полвон отанинг боқий дунёга сафар қилар чоғлари айтганлари:

- *Ватанга ва одамларга ҳалол хизмат қилинглар.*
- *Мол-дунёга ҳирс қўйманглар, мол-дунё ҳеч кимга вафо қилмайди.*
- *Одамлар фикрини сабр билан эшитинглар, уларнинг муҳкулотларини осон қилинглар.*
- *Илмли инсонларни ҳурмат қилинглар.*
- *Ҳар бир ишни бошлашдан олдин обдон ўйланглар.*
- *Катталар гапини бўлманглар.*
- *Очкўз ва ғийбатчилардан йироқ юринглар.*
- *Кимнинг зурриёти эканликларингни унутманглар.*
- *Одамларга меҳрибон бўлинглар.*

Отамизнинг васиятига амал қилиб, барчамиз кам бўлмадик. Оддий мироб отажонимнинг ҳикматлари доимо қулоғимда.

Саҳифани «Миллий тикланиш» махсус мухбири Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ тайёрлади

# ХОТИРА ЧИРОҚЛАРИ



Ҳаётимизда ҳар бир музейнинг ўзига хос ўрни бор. Музейлар мозийдан ҳикоя қилади. Шунинг учун бўлса керак, бундай жойларнинг қадри баланд. Аслида ҳам шундайми? Бугунги кунда музейлар, айниқса, уй-музейларга эътибор қай даражада? Музейлар ҳақида ёзишга киришар эканман, ана шу саволлар атрофида анча вақтгача мулоҳаза юритдим, замондошларимизнинг бу ҳақдаги фикрлари билан қизиқдим. Уй-музейларда олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидекми? Бундай музейлар ишини юритиб келаётган ходимларнинг ўзи бу ҳақда нима дейди?

Уй-музейларда бу соҳанинг чинакам шайдолари ишлашади. Экспонатларни кўпайтириш, хоналарни кўнгилдагидек жиҳозлаш ёки илмий ишларни олиб боришда ҳам уларнинг фидойилигини кўрамиз. Кўпинча уларнинг ўзидан ташаббус талаб этилади. Шундай пайтда нима қилган маъқул? Касбини жондилидан севган музейшуносларнинг қалбига қулоқ тутдик.

Тажрибали музейшунос, Ойбек уй-музейи бўлими бошлиғи Светлана Гобкина билан суҳбатлашиш асосида музей ҳаётига яқиндан кириб бордик.

— Аввало, пойтахтимизда уй-музейлар ташкил этиш ишига назар ташлайлик,— суҳбатдошим бир муддат ўйга толиб, кулимсиради.— Бу халқнинг ташаббускорлигига боғлиқ нарса. Биринчилардан бўлиб Тошкентда рус шоири Сергей Есениннинг музейини ташкил этиш фикри жамоатчиликдан чиққан. Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Тошкентга эвакуация қилинган россиялик зиёлилар шоирнинг қўлёзмалари, дастлабки асарлари, фотосуратларини бир жойга йиғдилар. Уларнинг орасида шоирнинг қизи Татяна Сергеевна ҳам бор эди. Ўтган асрнинг 80 йилларида шоирнинг уй-музейи очилиши учун биринчи қадамни қўйганларни фидойилар, десак бўлади. Кейинчалик бу музей давлат тасарруфига олинди. Бугунга келиб бундай уй-музейлар сони 10 тага етган. Биз — музей иши билан ҳаёт йўлини боғлаган кишилар доимо эл хизматидамиз. Келиб-кетгувчилар жуда кўп бўлмаса ҳам, топилади.

**Музейлар мозийдан сўйлайди**

— Уй-музейларни омма билан яқинлаштиришнинг қандай имкониятлари мавжуд? — деган саволга суҳбатдошимиздан шундай жавоб олдик:

— Бу борада ҳар бир музей ходими жон куйдирмоғи даркор. Ўқув муассасалари билан ҳамкорликда ишлашни яхши йўлга қўйиш керак. Уй-музейлардаги шароитни янада яхшилаш учун ҳар бир ходим ўз ишига сидқидилдан ёндошиши лозим, деб ўйлайман. Ўтган йили Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Академик шоир Ғафур Ғуломнинг юбилейи муносабати билан пойтахтимизнинг Арпапоя кўчасидаги эски уй-музей биноси қайта таъмирдан чиқарилиб, янгича кўринишга келтирилди. Биз бундан ниҳоятда хурсандмиз. Ойбек яшаб, ижод қилган маскан унинг оиласи, фарзандларининг саъй-ҳаракати туфайли уй-музейга айлантирилган. Музейдаги қўлёзмалар, барча экспонатлар давлат тасарруфига ўтказилган. Музей — халқнинг мулки. Уни бойитиб бориш, асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш эса сизу бизнинг вазифамиз.

Академик рассом Ўрол Тансиқбоев, мусиқашунос Юнус Ражабий, ёзувчилар Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Сергей Бородин, санъаткорлар Мукаррама Турғунбоева ва Тамарахоним, шоирлар Ғафур Ғулом, Ойбек ва Сергей Есенин, бастакор Мухтор Ашрафий... Бу уй-музейлари бизнинг асл меросимиздир. Ана шуни унутмасак, бас.

**Насиба ОЧИЛОВА**

# Умидлар дарёси, рўёб дарёси

*Қайтар тўлқин, қайтар жилоси,*
*Қайтар балиқларнинг ноёб дарёси.*
*Аждод-авлодимнинг кўзи тикилган,*
*Қайтар Баҳрихоразмнинг Амударёси.*

*Уйғон, Оролжоним, уйғона қолгин,*
*Умидлар тўлқинин қўлингга олгин.*
*Бобомнинг Ороли эртакмас ахир,*
*Тезроқ тўла қолгин, тез тўла қолгин!*

*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат-лавҳа*

● *Саломатлик бурчаги*

# ОШҚОЗОН ДОШҚОЗОНМИ?

**Баҳорда баъзи бир сурункали ошқозон-ичак касалликларининг хуружи ва ўткир формаларининг авж олиши кузатилади. Юртимиздаги мўътадил иқлимий шароитга кўра, эпидемик буқоқ, сурункали буйрак ва ўт тоши сингари касалликлар қаторида ошқозон-ичак хасталиклари ҳам кўп учрайди. Ўтказилган медицина-профилактика кўрикларида ҳар 10 нафар одамнинг 7-8 тасида бу хасталик кузатилган бўлиб, у ўсмирларда, аҳолининг 19-30 ёшли қисмида кўпроқ учрайди.**



Ошқозон-ичак касалликларига эзофагитлар, гастритлар, энтеритлар, колитлар, холецистит ва ўн икки бармоқли ичак яраси киради. Бу касалликларнинг ўткир формалари қоринда оғриқ туриши, ич кетиши, қайт қилиш, иштаҳасизлик, овқатнинг қийин ҳазм бўлиши каби асосий белгилар билан кечади. Агар бепарволик қилинса, касаллик жуда хавфли ҳолатларга, масалан, гастрит (ошқозон шиллиқ қаватининг яллиғланиши)нинг баъзи формалари ошқозон раки касаллигига олиб келади. Ошқозон яраси, лоқайдлик оқибатида тешилиши, ошқозондан қон кетиши, чандиқли ўзгаришлар ва энг ёмони яра ўсмага айланиши хавфини келтириб чиқаради. Ўн икки бармоқли ичак яраси ичакнинг турли даражада торайиши (стеноз) билан асоратланишини ва юқорида айтиб ўтилган барча асоратлар беморнинг ногирон бўлиб қолишигача олиб келишини ҳам ҳисобга олсак, бу хасталикларга бепарво бўлмаслик кераклиги янада аниқ намоён бўлади.

Ошқозон-ичак касалликларининг бу асоратлари ихтисослашган клиникаларда, тажрибали шифокорлар томонидан даволанишни талаб қилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Касалликнинг олдини олиш учун санитария-гигиена қоидаларига асосан мева-сабзавотларни доимо ювиб истеъмол қилиш, қайнатилмаган сувни ичмаслик, умуман олганда, тўғри овқатланиш тартибларига тўла риоя қилиш зарур. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, соғлом организм учун бир кунда 4 маҳал овқатланиш, айниқса, кечки овқатнинг енгил ҳазмли бўлиши тавсия қилинади.

Иш фаолиятимиз давомида кўп ачинарли ҳолатларга дуч келамиз. Негадир бизнинг халқимиз ҳар қандай касалликни «оёқ устида» ўтказиб юборишга ҳаракат қилишади, жумладан, ошқозон-ичак касалликларини ҳам. Аксарият беморлар бу касалликлар давоси учун ўз-ўзларича дори-дармонлар, гиёҳлардан фойдаланишади. Врачга мурожаат қилганларнинг аксарияти доктор тавсия қилган дориларнинг ҳаммасини олмайди, олса ҳам, талабни тўғри ва ўз вақтида бажармайди. Бу ҳаракатлар эса, албатта, касалликнинг тузалишига эмас, авж олишига хизмат қилади. Шундай бўлгач, бу касалликларнинг бошланғич белгилари кузатилган пайтдаёқ мутахассис шифокорга мурожаат қилиш лозим. Беморнинг ўз вақтида қилган мурожаати, шифокорнинг тўғри ташхиси касалликнинг тез бартараф бўлишини таъминлайди.

Фақатгина ошқозон-ичак касалликларининг эмас, балки бошқа хасталикларнинг ҳам олдини олиш учун хонадонимизнинг, маҳаллаларимизнинг, умуман, ён-атрофнинг тоза, покиза бўлиши муҳим. Покиза жойни фаришталар ҳам суяди-ку!

**Дилором САДИЕВА,**
**Олий тоифали шифокор**

## «ОНАМГА ҚИЙИН БЎЛМАДИМИКИН-А?»

**Изтироб**

Баҳор ҳавоси ажойиб. Гоҳида қуёш чарақлаб чиқса, гоҳо осмонни булут қоплаб шамол туради. Қуйлиқ бозорини айланиб юрганимда шамол туриб, атрофни чанг —тўзон қоплади. Кўп ўтмай ҳаммаёқни «оқ парлар» қоплади. Уйга тезроқ етиб олиш учун бекат томон шошилдим. Йўлакчетида турган аёл эътиборимни тортди. У қаттиқ-қаттиқ йўталар эди. Юрагим ачилар, ҳансираб, нафас олишга қийнали эди. Юрагим ачишиб, онахонга ёрдам бермоқчилигимни айтдим. Аёл:

— Қизим, ҳечқиси йўқ, ҳар йили баҳорда, тераклар гуллаши билан аллергиям қўзийди, ўтиб кетади, — деди-ю, яна йўталишга тушди.

Бекатга етиб боргунимча ўйладим, ҳозир бошқа одамлар ҳам шу аёлдек қийналаётгандир. Онажонимнинг ҳам нафаслари қисар эди, уларга қийин бўлмадимикин-а?

**Нигора ЎРАЛОВА, ЎзДЖТУ талабаси**

**Ёзёвон туманидаги Исмоилжон Саккизбоев номли маданият ва истироҳат боғида ЎзМТДП Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси, туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда қизиқчилар ва аскиячилар кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

# КУЛГИСЕВАРЛАР УЧРАШУВИ

Қизиқчиларнинг ичакузди ҳангома, аскияларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, машҳур сўз устаси Жўрахон Пўлатов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бордилар. Кулгисеварлар Олтиариқ, Қува, Марғилон, Бешариқ, Ёзёвон, Қўқондан келишган қизиқчи ва аскиячиларнинг бир-биридан кулгили томошаларидан завқланишди. Қўқон шаҳридан келган ёш қизиқчилар гуруҳининг пайрови йиғилганларни хушнуд этди. Кўпчиликнинг талаб ва истаклари билан даврага чиққан Жўрахон Пўлатов ва Акрамжон Анваровлар ҳаммани кулдиравериб, «ичагини ўздилар». Танловда Сўх туманининг «Ханда» кулгу гуруҳи олий ўрин соҳиби бўлди. Томошабинларга гуруҳнинг ёш аъзоси Барнохон Мамажонованинг чиқиши маъқул бўлганини гулдурос қарсаклар орқали билдик.

Биринчи ўрин бешариқлик қизиқчиларга, 2-ўрин Қува, Олтиариқ, 3-ўрин Ёзёвон тумани қизиқчиларига берилди.

**Бахтиёр ЖАЛЧУЕВ,**
**Фарғона вилояти Ёзёвон тумани**

# ҚЎШГАНИ БИЛАН ҚЎША ҚАРИЁТГАНЛАР

**Дунёда энг улуғ мақом ота-онанинг дуосига мушарраф бўлишдир. Ота дуосини тоққа, она дуосини боққа қиёслайман. Ота дуоси фарзандни тоғ бўлиб, бало-қазолардан асрайди, тоғдек юксак обрў-эътиборларга сазовор бўлиш учун замин яратади. Она дуоси боғ бўлиб, фарзандини нозу неъматларга буркайди, ризқини улуғ қилади.**

*Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин.*

*Баҳоуддин Нақшбанд*

Ота-она дуосини олганларнинг кўзидан меҳр нури ёғилиб туради, одамларга ғамхўр ва меҳрибон бўлади. Дунёда кишини энг бахтиёр қиладиган омил ҳам падари бузруквор ва волидаи муҳтараманинг дуолари ижобатидир. Буни ҳаёт дейдилар. Исломий тарбия топган, одоб-ахлоқли, дунё илмидан хабардор фарзандлар камолини кўрган ота-она ҳам умри беҳудага ўтмаётганидан яратганга шукроналар айтади.

Шундай ажойиб инсонлар, пиру бадавлатларимиз жуда кўп. Тошкентлик Ғофир ҳожи Ҳакимов ва Фарида ҳожи она Ҳакимоваларнинг турмуш қурганларига эллик йил бўлди. Улар етти нафар фарзанднинг барчасини олийгоҳларда ўқитиб, раҳмат келтирадиган, тарбияли қилиб улғайтирдилар. Бир кам ўттизта набиралари бор. Эваралари ҳам кўпаяётир. Дили Аллоҳда, қўли меҳнатда бўлган киши ҳеч қачон хорлик кўрмайди. Топганлари барокатли, ўзи фазилатли, юзлари фаришталарга ўхшаб қарийди. Ҳалоллик ва камтаринлик ота-онани улуғлик, мўътабарлик мақомига олиб чиқар экан. Бундан ортиқ бахт борми ўзи!

Пиру бадавлатлик нашидасини сураётган Ғофир ота ва Фарида оналарга тансиҳатлик тилаймиз. Зурриётларингиз бахтига омон бўлинглар, сизларнинг бахтингизга юртимиз тинч бўлсин, дастурхонларимиз ноз-неъматларга тўлсин, тошаверсин!

**Ўринбой КЕНЖАЕВ**

# АЖДОДЛАРГА МУНОСИБМИЗМИ?

**Тарихда қандай давлат бўлмасин, яхлитлигини сақлаб қолиш учун ўзининг армиясига таянган. Оилада ўғил фарзанд туғилса, унга Ватан ҳимоячиси, авлод давомчиси, деб қаралган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач эга бўлган энг катта ютуқлардан бири миллий армиямиздир.**

Қадимги Юнон ва Рим тарихчиларининг ёзишича, бизнинг аждодларимиз бўлган сак ва массагетлар отда юришда ва жанг қилишда жуда моҳир бўлишган. Улар отни чоптириб кета туриб ҳам душманни аниқ нишонга ола билганлар. Уларнинг аёллари ҳам моҳир жангчилар бўлишган. Ўзбек халқининг ҳарбий санъати ва маҳорати ҳақида адибларнинг асарларидан кўплаб маълумотлар келтириш мумкин.



Эрамиздан аввалги VI-V асрларда яшаган юнон адиби Эсхил юнон-эрон урушлари пайтида (саламин жангида) эрон қўшинларида ўзининг ҳарбий маҳорати, жасурлиги билан машҳур бўлган сак ва бақтриялик аскар йигитлар ҳақида ёзади. Унинг ёзишича, оламни зир титратган Эрон шоҳлари энг муҳим жангларда ва қийин вазиятларда бизнинг юртдошларимизга суянганлар.

Араб тарихчиси Ибн Хавкал (милодий IX аср), Уструшона (ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари) ҳукмдори афшин Ҳайдар юртдошларидан тузилган армияси билан Араб халифалигига қарши Миср, Мағриб ва Озарбайжонда кўтарилган қўзғолонларни бостириш орқали халифаликни ҳалокатдан сақлаб қолганлиги ҳақида ёзади. Дарҳақиқат, Озарбойжондаги Бобек қўзғолони шунчалик даҳшатли тус олган эдики, уни бўйсундиришга араб саркардаларининг барчаси ожизлик қиларди. Уни тинчитиш учун тадбиркор ва моҳир саркарда зарур эди. Бу ишни юртдошимиз афшин Ҳайдар уддалайди ва кейинчалик (гарчи ҳаёти фожиали тугаса-да) халифаликда йирик лашкарбоши даражасига кўтарилади.

Ўрта асрларда ҳам туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳарбий соҳадаги ютуқларининг донғи бутун дунёга ёйилгани ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ сўнгги ўрта асрларда (XVI-XIX асрларда) ўзбек хонликлари ўртасидаги ўзаро ҳудудий ва қабилавий низолар ҳамда диний мутаассиблик, шунингдек, шиддат билан ривожланаётган жаҳон илму фанидан узилиб қолиш Ўрта Осиё давлатларининг ҳарбий санъати ва техникасининг секинлик билан ривожланишига сабаб бўлди. Бу эса бир пайтлар дунёни зир титратган саркардаларни етиштириб берган Турон ўлкасининг рус босқинчилари томонидан забт этилишига замин ҳозирлади.

Тарих агар халқ ўз армиясига ва ҳимоячиларига таянмас, ҳарбий жиҳатдан ўз ўғлонларидан тузилган замонавий армиясига эга бўлмас экан, бу халқ ўзгалар томонидан забт этилиши, босқинчилар оёғи остида топталиши мумкинлигига кўп бора гувоҳ бўлган.

«Миллий тикланиш»чилар вилоятимиз ҳудудидаги кўплаб ҳарбий қисмларда турли хил мавзуларда тадбирлар уюштирмоқда. Бундай тадбирларда йигитларимизнинг дилида ўз аждодларидан фахрланиш, улар номига муносиб бўлиш туйғуси кучлилиги, уларнинг Ватан ва халқ олдидаги шарафли хизматларидан мамнун эканликлари аён бўлмоқда.

Учрашувларда аскарларимизнинг бугун мамлакатимиз ва дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан билдираётган фикрлари ҳамда юртимизнинг порлоқ истиқболи ҳақида айтаётган сўзларидан уларнинг нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук эканлигини англамоқдамиз. Албатта, давр ёшларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан кучли бўлишини талаб этмоқда.

Мустақил миллий армиямизнинг вужудга келиши ва унинг босқичма-босқич профессионал даражага кўтарилиб бориши, яъни армиямизнинг юксалишини ҳам миллий тикланишнинг бир кўриниши, деб аташимиз мумкин.

Зеро, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, чегараларимиз дахлсиз бўлиб, ҳимоямиз ишончли қўлларда экан, жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида тикланиш, юксалиш ва бунёдкорлик ишлари давом этаверади.

**Фурқат ТОШБОЕВ,**
**ЎзМТДП Жиззах вилояти кенгаши раиси ўринбосари**

# Сизда ором қайда — сизда тин қайда...

**Элимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуфчалик ҳеч ким халқ посбонларининг заҳматли меҳнатларини шеърий тарзда бундай гўзал қилиб акс эттира олмаган. Албатта, кунларимизнинг тинч, фаровон ўтишида уларнинг хизматлари беқиёс.**

Андижон вилояти Бўз тумани Ички ишлар бошқармаси ҳамда туман прокуратураси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Натижада қасддан одам ўлдириш, гиёҳвандлик ҳамда гуруҳлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сезиларли даражада камайишига эришилди.

— Жамиятимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига халал берадиган порахўрлик, товламачилик, фирибгарликка ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашишда самарали ишлар қилинаётир, — дейди биз билан суҳбатда туман ИИБ бошлиғи, подполковник Зокиржон Собиров. — Бу борада маҳалла ҳудудларида жойлашган милиция таянч пунктларининг маҳалла оқсоқоллари билан бирга олиб бораётган тадбирларининг самараси катта. Маҳаллаларда маҳалла посбонларидан иборат тунги навбатчилик ташкил қилинган бўлиб, уларнинг нималарга эътибор кучайтиришлари ҳақида профилактика инспекторлари томонидан доимо йўриқномалар ўтказилиб борилади.

**Абдухалил ҚУРБОНОВ**

# «ДОСКАГА КИМ ЧИҚАДИ?»

**«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифалардан бири мустақил фикрлай оладиган, ўз қарашларига эга бўлган ҳамда зарур пайтда уни ҳимоя қила оладиган ва энг муҳими, ўз билимларини қайта ишлаб, ҳаётга тадбиқ эта оладиган ижодий тафаккур соҳибларини шакллантиришдир.**

Ҳар бир ўқувчида маълум маънода ижодий имконият мавжуд бўлади. Лекин уни юзага чиқаришда қандайдир куч етишмаслиги боис бу имкониятлар, образли қилиб айтганда, ғунчалигича очилмасдан сўлиб кетиши мумкин. Ўқитувчининг вазифаси эса мана шу имкониятларни изга солиш. Биз ўқитишни шундай ташкил этишимиз лозимки, унда ҳар бир ўқувчидаги табиат ато этган қобилиятнинг маълум турини энг юқори даражада камолга етказа оладиган бўлайлик.

Ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришнинг энг самарали усули дарсдир. Синфдаги ҳар бир ўқувчи ўқитувчи диққат-эътиборида бўлишни хоҳлайди, аммо баъзиларигина буни уддалай олади. Берилган мустақил ишлар, ижодий топшириқларнинг ҳар бирини текширишга, улар билан алоҳида ишлашга вақт камлик қилади, албатта. Энг ёмони, ўқувчида: «Мен ҳеч нимага ярамас эканман», — деган тушунча уйғониши бўлса керак. Ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантиришнинг йўллари чексиз. Бугунги она тили таълимининг асосий вазифаси ўқувчини амалиётдан назарияни келтириб чиқарувчи қилиб тарбиялаш экан, буни мустақил ишлар орқали амалга ошириш энг маъқул йўлдир.

Мустақил ишлар ўқувчилар фаоллигини ошириши амалда кўп синаб кўрилган. Мустақил ишлар аста-секинлик билан мураккаблаштириб борилади. Айниқса, бевосита ўқувчилар ташаббуси билан «Лабиринт», «Билимлар аукциони», «Ўйла, изла, топ», «Зинама-зина», «Заковат» тарзида ташкил қилиш фойдадан холи эмас.

Ўқитувчи дарсни шундай ташкил қилиши керакки, унда ҳар бир ўқувчининг ўз ўрни бўлсин. Ҳар бир дарснинг бошланиши «Дарсга ким, нима тайёрлаб келди?» саволига жавоб олишга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.



Хулоса қилиб айтганда, бундай ижодий фаолият дарсларини кўплаб уюштириш мумкин. Айниқса, ўқувчилар ижодий тафаккури асар тимсолларига тавсиф ва мактуб ёзиш, улар ҳақида назмий битиклар битиш, ўзлари тайёрлаган тестларни ўзаро таҳлил қилиш, савол-жавоб мусобақаларини ўтказиш ҳамда бир-бирларининг тайёрлаган ижодий ишларини текширишда шаклланади ва намоён бўлади. Бунинг учун ўқувчига имконият бериш ва шу асосда бўш ўзлаштирувчиларда: «Нега мен шу ишни қилолмадим?» — деган фикр уйғотиш ҳамда унинг жавобини излашга ундаш керак бўлади.

Ижодий имкониятларни излашнинг, уларни ўстиришнинг йўллари талайгина, аммо ижодий фаолиятнинг ижодий тафаккур соҳибларини шакллантиришдир.

**Турсуной ЙЎЛДОШЕВА,**
**"Ижодкор ўқитувчи" кўкрак нишони соҳибаси**

## Эрам боғини эслатади

«Суғдиёна» Самарқанд шаҳрининг гавжум кўчалари шовқинларидан холироқ ҳудудда, табиий гўзал масканда жойлашган. Бу ерда Ургут ва Оҳалик тоғларидан энадиган мусаффо эпкин эсиб туради. Шаҳар ва қишлоқлар чегаралашган жойда барпо этилган боғдаги завқли, кўнгилочар ўйинлар бошқа истироҳат боғларидаги аттракционларни такрорламайди. Масалан, япон боғи манзаралари, ҳаволаниб турган темир изларда ҳаракатланувчи велосипедларда боғ осмони узра сайр қилиш, «Эйфел минораси»га кўтарилиб, кўп қаватли уйларни, бутун боғни юқоридан томоша қилишнинг ўзгача гашти бор, албатта. Сеҳргар чол билан бирга расмга тушиш, улкан одам оғзидан кириб, ичкарида суҳбатлашишнинг аломатларига не етсин!

Бу йилги ёз мавсуми «Суғдиёна» боғида ҳамишагидан гавжум ўтадиганга ўхшайди. Буни тўғри тушунган жамоа аъзолари меҳмонларга намунали хизмат кўрсатиш чора-тадбирларини кўришмоқда. Бу хусусда боғ директори Абдуҳошим Зойиров қуйидагиларни гапириб берди: «Умумий майдонимиз салкам 13 гектарни ташкил этади. Ҳудуднинг географик ҳолати қандай бўлган бўлса, ўшандай табиийлик сақланиб қолинган. Юқори саҳнда жойлашган чўмилиш, турли қайиқларда сузиш кўли, ариқларда оқаётган, фавворалларда камалакдек жилоланаётган зилол сувлар, кўп йиллик манзарали дарахтлар ҳордиқ манзилига шифобахш хусусият бахш этади.

Бугунгача сув, ёритгичлар, аттракционлардан тўлиқ баҳраманд бўлиш шароитлари яратилди. Қўшимча 14 та тунги махсус ёритгичлар, 300 тага яқин оддий чироқлар ўрнатилди. Минглаб туп янги кўчатлар ўтказдик. Гулзорларни камалак нусхада қайта бунёд этдик. Элга хизмат қилишни истовчи, бетакрор аттракцион ўйингоҳлар ташкил этмоқчи бўлган тадбиркорлар учун боғимизнинг эшиклари очиқ. Биз уларга амалий ёрдам берамиз, ҳамкорликда ишлашга тайёрмиз. Бундан ташқари, миллий таомлар, дорбоз ўйинлари, цирк дастурлари билан келувчилар, санъат усталари учун, умуман, халқимизга яхши қайфият, маданий ҳордиқ беришга бел боғлаганларга имтиёзлар яратиб беришга тайёрмиз. Ишқилиб, болажонларимиз шод бўлишса, меҳнат аҳли яхши ҳордиқ чиқарса бўлгани».

Шу ўринда дилимизда бир армонли савол туғилди: Самарқанд вилоятида ҳайвонот боғи борми? Афсуски, йўқ. Шаҳарда оддий туяни, тошбақани кўрмай ўсаётганлар қанча! Шундай экан, лоақал ҳар бир вилоятда биттагина бўлса ҳам, ҳайвонот боғи бўлиши ҳаётий эҳтиёждир. Шу маънода, «Суғдиёна» боғида ташкил этилган мўъжазгина ёввойи олам оролчасини қутлаш керак.

# Самарқандда ҲАЙВОНОТ БОҒИ БОРМИ?

— Абдуҳошим ака, боғ ташкил этилган пайтда, ҳар ҳолда, ёввойи паррандалару даррандалар келтирилган эди. Бугун эса улар кўринмаяпти. Сабаби нимада? — сўраймиз.

— Бунга сабаб, очиғи, вилоятда бу масала билан қизиқадиган, табиатсевар тадбиркор ҳозирча топилган эмас. Бирор корхонами, ўзини тутиб олган ишбилармонми бундай масъулиятни зиммасига олса, нур устига аъло нур бўларди. Бу ишни ўзимиз қилайлик, десак, иқтисодий аҳволимиз имкон бермайди. Барибир изланяпмиз. Бизни қўлловчи дўстлар топилмоқда. Улар мадади билан талай таъмир ишларида, дарахт, гул кўчатларини топишда қийналмадик. Ҳайвонот боғи ҳам, албатта, ишга туширилади, — дейди Абдуҳошим ака умид билан.

Гап сўнгида яна бир, бошқа боғларда учрамайдиган имконият ҳақида тўхталишни лозим топдик: «Суғдиёна» қошида замонавий спорт мажмуаси ишлаб турибди. Кураш, каратэ, бокс сингари қатор тўгараклар фаолият юритмоқда.

Ёз оқшомлари тароватли бўлади. Тунги «Суғдиёна» эса янада гўзал. Минг карра эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган гап бор. Ўзингиз эрам боғини эслатувчи «Суғдиёна»га бир келинг, армонда қолмайсиз.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**«Миллий тикланиш» махсус мухбири**

## КЕТДИНГ!..

*Изларингни бир нигоҳ ўпганин сезмадинг.*
*У нигоҳ бу изларни муқаддас топиниб ўпарди.*
*Бу излар маҳзун нигоҳни топинишдан маҳрум этди.*
*Тошбағирмикан?! «Ортингга қара, ўтинаман, бир бор қара», деб ялинди нигорон нигоҳ.*
*Сен мағрур кетдинг.*
*Кетдинг, кетавердинг...*
*Кетма, ортингга разм сол. Ўтиниб сўрайман, шу бекатда бир оз қол. Бир нигоҳ ташла, майин жилмайишингни дариғ тутма.*
*Сен эса кетдинг,*
*Барибир кетавердинг!..*

## ВИДО

*Висол йиғлаб-йиғлаб кетди остонадан...*
*Ишонч сочларин қўллари билан юлди. Унинг энг сўнгги бандлари дарахт япроқлари янглиғ узилди.*
*Наҳотки, висолни қувиб, ҳижронни ўзингга ёр билдинг?!*
*Ҳижрон ўзи билан гуноҳни етаклаб келди. Гуноҳ эса қаҳрингдан қўрққандек секин келиб эшигинг қоқди. Эшик зулфи бир овоз чиқаргандек бўлди-ю, яна жимлик чўкди. Уй ичида эса ўз ёғига ўзи қоврилган юрак фарёд чекарди. Фарёдини ўзидан бўлак ҳеч ким эшитмас эди. Унинг юрагидан қон оқарди тинмай. Бу икки орада муҳаббат сарсон. Ҳа, ўша биз ҳеч кимга ишонмаган муҳаббатимиз сарсон, муҳаббатимиз армон.*

***Санобар ЖАҲОНГИР қизи***

## Ажаб олам

### Тузли пуллар бўлганини биласиз-а!

XVIII асрнинг биринчи ярмида Екатеринбург саройида беш хил тамғали тўртбурчак мис тангалар чиқарилган. Улар жуда оғир бўлиб, биттаси 1, 64 кило тош босган.

М.В.Ломоносов Елизаветага бағишлаб ёзган қасидаси учун 2000 та мис танга билан сийланган. Уларнинг оғирлиги 1800 килони ташкил этган.

Қадимда римда аскарларга фақат пул эмас, балки туз ҳам берилган. Чунки туз ўша пайтда пул ўрнида ҳам ишлатилган.

XIII асрда Хитойнинг Каинду вилоятида туздан пул ясалган ва унга императорнинг рамзи туширилган. Эфиопияда эса асримизнинг 40-50- йилларида ҳам тузли пуллар муомалада бўлган.

### Пул ўрнида – дастрўмол...

Индонезиянинг Бутунг ороли аҳолиси бундан бир неча аср муқаддам одатдан ташқари пул бирлигига эга бўлган. Ўшанда ерлик аҳоли пахта ипидан тикилган катта дастрўмолни пул ўрнида ишлатишган.

**Башорат ОТАЖОНОВА тайёрлади**

Чортоқ туман ХТБга қарашли 26-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2000 йили Уралов Улуғбек Эркинбоевич номига берилган O'R-A №730894 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Чортоқ туман ХТБга қарашли 26-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2003 йили Уралов Сардорбек Эркинбоевич номига берилган O'RA №1333013 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# Раққосалар хиром этганда...



***Рақс — гўзаллик санъати. Раққоса эса шу гўзалликни ўз ҳаракатларида намоён этувчи нозик хилқат. У хиром этганда, диллар яйрайди, кўзлар қувонади. Табассумли нигоҳи, жозибали ҳаракатлари, миллий руҳдаги нафис либослари билан кўзингизни қувонтиради, қалбингизни оромлантиради. Момоларимиздан онамерос бўлиб келаётган бу санъатнинг давомчилари бисёр. Улар ҳақида қанча ширин сўзлар битсак, оздек туюлавераді.***

Аммо аммоси бор. Шундай нафис санъатни пул топиш манбаига айлантириб олаётган ярим яланғоч «раққоса»ларни ким деб атайлик? Айрим тўйларда, томошаларда аёллик иффатини унутган, нозик жойларини кўз-кўз қилишдан асло уялмайдиган ўйинчиларни кўриб, иймонли кишиларнинг дили ранжийди. Шундай ўйинчиларнинг ҳам ота-оналари, амаки-тоғалари, ака-укалари бордир ахир! Наҳотки улар бу ҳолатдан уялишмаса?! Қиз-жувонлар бозорларга чиқаётир, бунга чидаса бўлади, тирикчиликнинг айби йўқ. Лекин Аллоҳ таоло томонидан бегона кўзлардан асраб-авайлаб юриши буюрилган аъзоларини кўз-кўз қилиб, маст-аласт эркакларни кўзини ўйнатиб, қўлини чўнтагига тиқтирадиган ўйинчиларнинг шаънига лаънатдан бошқа қандай сўз айта оламиз? Илоҳим, аёлларимизнинг ўзларига инсофтавфиқ берсин.

Тўй-томошаларга ярашадиган ибо-ҳаёли раққосаларимиз кўпаяверсин!

**Саодат АЪЗАМХЎЖАЕВА,**
**Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети талабаси**

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллат тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-80
136-56-29
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 723.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00